



1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 21-AVGUST
SESHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@gmail.uz

98
(16255)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Сайтга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



YOSHLAR OVOZI

ЕТТИТА МЕДАЛЬ НАҚД



Осиё ўйинларида спортчиларимиз бирин-кетин ғолиблар шохсупасидан жой эгалламоқда.

Мусобақанинг илк кунини эркин курашчиларимиз учун омадли келди. Дастлаб Сирожидин Ҳасанов бронза медалини қўлга киритган бўлса, кейинги баҳсларда Бекзод Абдурахмонов барча рақиблардан устун келиб, Осиё ўйинлари чемпионга айланди. Магомед Ибрагимов эса, жамоамиз ҳисобига яна бир бронза медалини қўшиб қўйди.

Беллашувларнинг иккинчи кунини медалларимиз жамғармаси яна тўрттага кўпайди. Маҳоратли ушучимиз Дарья Латифова таулу

йўналишида баҳсга киришиб, фақат финалда имкониятни бой бериб қўйди. Шунингдек, нуфузли спорт анжуманидан Ниёз Пулатов (тазквондо) кумуш ҳамда Нигора Турсунқолова бронза медал билан ортга қайтадиган бўлди. Кун якунида эса, эркин кураш бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Давит Модзманавили ҳиндистонлик рақибини мағлубиятга учратиб, совриндорлар сафига қўшилди.

Айни пайтда вакилларимиз еттита медал билан умумжамоа ҳисобида ўнинчи ўринда бормоқда.

Шерзод МАҲМУДОВ

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ФОТОАППАРАТ, МОЛЬБЕРТ ВА ЁВВОЙИ ТАБИАТ



Юртимизда илк бор "Зомин жилғалари" тасвирий санъат ва фотография анжумани ташкил этилди



Ижодкорга нима керак? Илҳом. Илҳом жўш уриши учун-чи? Таассурот. Шундай кучли таассуротки, қалбингни алғов-далғов қилиб юборсин. Тинчлик бермасин, ижод қилишга — яратишга, яшатишга ундасин.

Аммо бунга ўз-ўзидан эришилмайди. Ҳаракат керак, истак керак, иштиёқ керак. Уч кун мобайнида юртимизнинг пуर्वкор тоғлари бағрида 65 нафар йигит-қиз ана шундай эркинлик муҳитида яшаб, ижод этди. Тўғрироғи, ижод бўстони узра эркин қўш мисоли парвоз айлади. Улар — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қўшидаги Ёш ижодкорлар кенгаши ташаббуси билан биринчи марта ўтказилган "Зомин жилғалари" тасвирий санъат ва фотография анжуманининг илк қалдирғочларидир. Ростман омади чопган ва бахтиёр ёшлар!

Омади чопган дейишимизга сабаб лойиҳада қатнашиш истагини билдирган неча ўнлаб талабгорлар орасидан чертиб-чертиб олинган бўлса, бахтиёрлиги Зоминдек илҳомбахш масканга келгани аjoyиб асарлар ярата олганида.

Юртимизнинг турли ҳудудларидан Жиззах шаҳридаги "Амир Темур" оромгоҳига етиб келган йигит-қизлар тасвирий санъат ва фотография йўналишида баракали ижод қилиб келаётган ўз иш-

нинг ҳақиқий усталаридан маҳорат сабоқларини олди. Яна қаерда денг. Жаннатмонанд, сўлим табиат кўйида. Одамлар ҳалақит бермайдиган борлиқ билан холи қолишинг, ички дунёнига беармон саяхат қилишинг, тоза ҳаводан симириб нафас олган ҳолда осмонимиз мусаффолигидан баҳраманд бўлишинг мумкин бўлган роҳатбахш масканда.

Ижодкор тенгдошларимизга яқиндан кўмаклашишдан ҳеч қачон тўхтамаймиз, — таъкидлади анжуманининг очилиш маросимида Ёш ижодкорлар кенгаши раиси Мехринос Аббосова. — Токи ҳар бири истеъдодлини тўлиқ намойён этиш, сайқаллаш ва юксалтириш имконига эга бўлсин. Келгусида "Зомин жилғалари"ни халқаро даражада олиб чиқмоқчимиз. Аслида лойиҳада иштирок этиш истагини билдирганлар жуда кўп. Биз энг муносибларини саралаб олдик. Кейинги йилларда уларнинг сафи тўлиб боришига ишончим комил.

Эртасига анжуман иштирокчилари гуруҳларга бўлинди. Фотографияга қизиқувчилар бўйнига асосий иш қуролини олиб, тонг саҳардан устозлари ҳамроҳлигида "Зомин" давлат қўриқонасига йўл олди. Мўйқалам соҳиблари ҳам улардан қолишгани йўқ. Навқирон ука-сингилларимиз мольбертларини орқалаганча ёввойи табиат кўйидаги охиқди.

Э, бўлмаса-чи. Ахир, энг зўр пейзаж тоғнинг тепасидан бошланади-ку! Устига-устак, вазифа ҳам антиқа: биринчи гуруҳ Бобокўёшининг ўфқ узра кўтарилишини объективга муҳрлаши, иккинчиси эса, ул бетакрор манзарани мийбўёқлар ёрамидида қоғозда аксантириши керак. Маза-я, маза! Бу топшириқни бажариб фақат завқ олсан, киши.

Фотоаппарат болаликдан ҳамроҳим, — дейди сурхондарёлик Алпжамол Эргашев. — Чиройли манзаралар шайдосиман. Зомин қўриқонасига кўрганларимдан ҳайратга тушдим. Ҳаммаини ҳайратландик! Шу чоқда биз, ёш фотоиждодкорлар бир-биримизни деярли танимасдик. Қанчаласи, қандай салоҳиятимиз бор — билмасдик. "Зомин жилғалари" бизни учраштиради, дўстлаштиради. Лойиҳанинг ютуғи ҳам шунда, назаримда. Мен Зоминга яна келишни кўнглимга тугдим.

Анжуманининг энг ёш иштирокчиси — Нукус шаҳридаги республика ихтисослаштирилган санъат мактабининг 9-синф ўқувчиси Ажиниёз Тангирбергеновни ҳам сўхбатга чорладик.

"Онам иқтидоримни юзага чиқаришим учун барча шароитларни яратиб берган, — дейди у. — Танлов ҳақида ҳам онамдан эшитдим. Шундан сўнг ижодий ишларимни юбордим. Ташкилотчилар

уларни юқори баҳолаганидан хурсандман. Зомин табиатидидаги эътиборимни тортган энг биринчи нарса шаршарадир. Уни мўйқаламда тасвирлашга ҳаракат қилдим. Эсадайк бўлиб қолсин деб. Бизга шунчалик имконият яратиб бергани учун Ёшлар иттифоқида миннатдорлик билдираман.

Лойиҳа баҳонасида Ўзбекистон халқ rassоми Рустам Худойберганов билан танишдим, — дейди Бухородан ташриф буюрган яна бир ижодкор дўстимиз Бехзод Невматов. — У кишидан сабоқ олишнинг ўзи катта гап. Умуман олганда, оромгоҳда ўтказилган фурсат мен учун катта дарсхона вазифасини ўтади. Маҳоратимни тоблашимга, билмаганларимни ўрганиш ва кўнг билан ўқмоққа ёрам берди.

"Зомин жилғалари" тасвирий санъат ва фотография анжумани якунида барча иштирокчиларга сертификатлар топширилди. Бундан ташқари, алоҳида фаоллиги ва иқтидори билан ажралиб турган энг илғор мактаблардан биридан таслим олдим. Кейин касб-хунар коллежиде ахборот технологиялари соҳасини муккамал ўргандим. Ёшлар иттифоқи аъзолигимга қабул қилиниб, бир қанча

Н.БАҲОДИРОВА,
Ш.ИБОДУЛЛАЕВ

МУСТАҚИЛЛИК

27
ЙИЛ

MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA



8 ЙИЛ ДЕГАНДА ЎҚИШГА КИРДИМ

Бу йил йигирма олти ёшга кирдим. Ўзбекистонимиз билан деярли тенгдошман. Аввалги тузум даврида яшамаганман. Уша пайтда одамларнинг ҳаёти ва мамлакатнинг ҳоли қандай кечгани ҳақида фақат китобларда ўқиганим, видеотасвирларда кўрганим бор...

Биласизми, мустақил юртда туғилиб, яшашга барибир ҳеч нарса етмас экан. Шу азиз неъматга муяссар этгани учун Яратганга беадад шукроналар айтаман. Ҳарқалай, шукр қилиб яшашимга илҳомчи бошқа сабаблар ҳам бисёр. Мени кўрган одамлар ажабланиши табиийдир — ахир, ногиронман-ку! Тўғри, жисмоний имкониятим чекланган. Болалигимдан шундай. Аммо бу мен учун фожиа эмас. Бошқаларга фойдангегай яшаш, умрни беҳуда ўтказиш, янаям яққол ифодалаганда, Тангрининг тенгсиз инояти — ҳаётни увол қилиш — мана шулар ҳақиқий фожиа, назаримда. Тинчлик ва саодатли кунларимизни беқадр этмоққа ҳам ҳаққимиз йўқ! Чунки мустақиллик учун ота-боболаримиз жонини жабборга бериб курашди. Жафоқаш халқимиз дауштали мусибатларни бошидан кечиради, эрк йўлида қон олади, лекин сира таслим бўлмади. Бундай жасоратни ҳақиқатда тутмоқчимиз шарт.

Утган давр мобайнида юртимиз ҳар соҳада юксалди, ўси ва ривожланди. Энди атак-чек қилаётган, оёқда ҳали маҳкам туролмайилган гўдакдан ҳаётини эътиқоли мустаҳкам, ўз сўзини эмин-эркин айти олаётган ва ҳатто ўтказишга қодир барваста йигитга айланди. Мамлакатимизда рўй берган мислсиз ислохотлар силсиласида ўзимиз ҳам ўзгариб бордик. Шахсан мен Гулистон шаҳридаги энг илғор мактаблардан биридан таслим олдим. Кейин касб-хунар коллежиде ахборот технологиялари соҳасини муккамал ўргандим. Ёшлар иттифоқи аъзолигимга қабул қилиниб, бир қанча

илмий-инновацион ҳамда ижтимоий лойиҳалар яратдим. Ҳозирда Иттифок кўмағи билан уларни амалга ошириб келяпман.

Жорий йилда ёшлар ташкилати менга бизнес билан шуғулланиш имконини яратди. Китоб дўконини очилишга ёрам берди, сезиларли энгилик туғдири. Шаҳарнинг гавжум жойидан ажратиб берилган жой учун ижара ҳақини тўламайман. Ҳар кунни дўконга келаётган ўнлаб одамлар билан сўхбатлашаман, улардан кўп нарсаларни билиб оламан. Ўйлаб қарасам, шу чоқда биронта ҳам киши ҳаётинда нолиб ёки норози бўлиб гапирмабди. Демак, одамларимиз дилига яхши ниятларни туғиб яшайпти. Оруз-умиларни рўёбга чиқишига ишонди. Шунга интилиш ҳам бор.

Мана ўзим, саккиз йилдан буён олий таълим муассасасига ўқишга киролмай келаётганим. Ҳар сафар таст-жараёнида ногиронлигим панд беради. Лекин буш келганим йўқ. Тўғри, тушкунликни енгиш, ҳаммасини бошидан бошлаш осон бўлмади. Аммо меҳнат қилган муродига, албатта, етади. 2018 йилда менинг ҳам муродим ҳосил бўлди. Энди талабаман. 2 сентябрдан Гулистон давлат университетининг география факультетиде ўқишни бошлайдим. Саккиз йиллик орузим айнан Ватанимиз мустақиллик тўйи арафасида ушлаганида ҳам ўзига хос маъно-белги бордек, назаримда. Демак, юртим учун муносиб фарзанд бўлишим керак. Бу эса, шаксиз, қўлимдан келади!

Алҳам ЖўРАЕВ,
Гулистон давлат университети талабаси

ESHITDINGIZMI?

ЯНГИ ЖУРНАЛ ВА ТЕЛЕКУРСАТУВ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Маслаҳат кенгаши тузилади. Унинг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Таъбирда тузилманинг мақсад-вазифалари, истиқболдаги режалари хусусида суз юритилди. Таъкидланганидек, Маслаҳат кенгаши ёшларни турли мафкуравий хуружлардан сақлаш, уларда атрофдаги воқеаларга онгли муносабатни шакллантириш, миллий қадрият ва аъёнларимизга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтиришга кўмаклашади. Шу мақсадда турли соҳаларнинг энг малакали мутахассислари жалб этилган.

муҳокама қилинди. Кенгаш аъзоларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифлари тингланди. Баҳс-мунозараларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қахрамон Қуронбоев ҳам суз олиб, жамиятда лоқайлик, боқимандалик иллатларининг олдини олишга қаратилган ишларни кучайтириш, маҳалларда ҳашарлар ўтказиш, кам таъминланган ёш оидаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш зарурлигини қайд этди.



Таъбирда "Устоз-шогирд" анъанасини давом эттириш орқали нурунийлар ва ёшлар ўртасида узаро таъриба алмашинувини йўлга қўйиш, тўйлар ва бошқа маросимларни даблбабасиз ўтказиш, шунингдек, оидалар билан профилактик ишларни олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фалд ҳамкорлик қилиш масалалари

Сўхбат давомида ёшлар тарбиясига онд журнал, телекурсатув ташкил этиш, ижтимоий тармоқларда юртимиз тарихи, бебаҳо қадриятларимиз, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар жойлаштириладиган саҳифалар очишга келишиб олинди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

VIDEOMULOQOT

САМИМИЙЛИК ЕТИШМАЯПТИ

Ҳасан УСМОНОВ

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон асоциацияси ташаббуси билан “Халқаро миқёсда тадбирлар (семинар, давра суҳбати ва конференциялар) ўтказиш воситалари” мавзuida видеоконференция ташкил қилинди.



Р.НАЗАРМатов

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, асоциация-

янинг хорижий давлат-лардаги вакиллари, фаол ёшлар қатнашди. Мулоқот

чоғида кенг миқёсдаги маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда дунё

мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, бу борада ҳал қилиниши керак бўлган

яна бошқа масалалар муҳокама қилинди. Халқаро миқёсдаги тадбирларни ўтказишда регламентга риоя қилиш, иштирокчиларни тезкор фаолиятга ундашнинг инновацион ва интерфаол усуллари ни қўллаш, волонтерлар ҳаракатини кенгайтириш буйича таклифлар берилди.

— Аксарият тадбирлар расмий тус олмақда, — дейди “Global Dignity” ёшлар ташкилотининг Финляндия бўлими раҳбари Камилла Султонова. — Самимийлик, ёшларбop ёндашув етишмаяпти. Бу муаммони бартараф этиш учун кучларни муштарак этиш айна муддао, назаримда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ
ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудаликка учради.

Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Ҳалима Умнатқулловна Худойбердиева 2018 йил 17 август кuni 71 ёшида вафот этди.

Ҳалима Худойбердиева 1947 йилда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилди. 1972 йили Тошкент давлат университетини, 1977 йили Москва Олий адабиёт курсини тамомлади. У ўз меҳнат фаолиятини “Саодат” журналида бўлим муҳаррири сифатида бошлаб, узоқ йиллар давомида ушбу нашрда бош муҳаррир уринбосари, бош муҳаррир лавозимларида самарали фаолият олиб борди. 1991-1994 йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб, мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. “Ёзувчи” нашриётида, “Гулистон”, “Санам” журналларидаги иш фаолияти даврида адабиётимиз ва журналистикада ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. 1991-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатди.



Ёрқин истеъод эгаси, улкан сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиева ўзининг сермазун, бадиий юксак шеър ва дostonлари, долзарб мавзуларга бағишланган публицистик мақолаларида азиз Ватанимиз ва халқимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат, мўтабар аёл ва она сиймосига эҳтиром туйғулари бекиёс маҳорат билан тараннум этди. Унинг ёрқин миллий руҳ ва ҳаётини фалсафа билан йўғрилган бетакрор ижодий ўзбек адабиёти хазинасидан, эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллади. Ижодкор қаламига мансуб ўнлаб бадиий етук асарлар дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинди. Ҳассос шоира жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг кўзга кўринган намоёндалари асарларини ўзбек

тиliga катта маҳорат билан таржима қилиб, миллий адабиётимизни бойитишга салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳалима Худойбердиева жонкуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида, юртимиздаги маданий ва маърифий янгиланиш жараёнларида фаол иштирок этди. Умрининг охирига қадар “Дугоналар” журнаliga раҳбарлик қилиб, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда фидойилик намунасини кўрсатди.

Бугунги кунда Ҳалима Худойбердиеванинг ижод мактабида тарбия олган, ўзбек адабиётида ўзининг мустақкам ўрнини топган кўпгина ижодкорлар билан унинг асарларининг меҳрибон ва талабчон устози деб эътироф этиладилар ва қадрлайдилар.

Атоқли сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиеванинг ўзбек адабиёти ва маданиятининг ривожлантириши борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвони, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ҳалима Худойбердиеванинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов, А.Арипов, С.Саидов, О.Ҳожиёва

MUNOSABAT

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТАКОМИЛЛАШАДИ

Темур НАРЗИЕВ,

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи

Жорий йилнинг 4 август кuni Президентимиз “Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Унинг асосий мақсади, Қуроли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳарбий хизматчилар билимини ошириб боришнинг замонавий усуллари татбиқ этиш, ташқи таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шаклланган, бурчиға садоқатли, профессионал юрт посбонларини тайёрлашдан иборат.

Миллий армияни ривожлантириш борасида Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондонини бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини оширишга қаратилган.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч. У ҳар қайси давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади. Зеро, ана шундай бурч ҳисси энг қалити ва таҳдидли вазиятларда ҳам аждоқларимизни ёвларга қарши мардонавор

курашишга, жаҳолатни маърифат билан енгишга ундаган.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида нотинчликлар содир бўлаётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий мафқури ва турмуш тарзи издан чиқаётганини яхши биламиз. Даҳшатлиси, хуружлар одамни пировард натижада ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонадиган, ҳамма нарсага лоқайд муносабатда бўладиган манфур кимсага айлантиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан юқоридаги қарор нафақат ҳарбий хиз-

матчилар, балки жамиятимиз учун ҳам қанчалар долзарб аҳамият касб этишини англаш қийин эмас.

Қарорда қайд этилишича, Қуроли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума кuni “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик кuni” этиб белгиланди. Шу кuni ҳарбий қисм ва бўлимларида тўпланган илғор тажрибалар, жанговар тайёргарликда эришилаётган ютуқлар, мамлакатимиз тарихидаги ёрқин воқеаларни аҳоли, аяниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиб бориш мақсадида учрашув-

лар, ҳарбий қисмларга ташрифлар уюштирилади. Шунингдек, ҳаётнинг барча жабҳаларида юртимиз манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр туриш, Ватанга хиёнат энг оғир жиноят эканини ҳаётини ва таъсирчан мисоллар орқали ёшлар онгига синдириш каби эзгу ишлар амалга оширилади. Буюк аждоқларимиз тимсолида ёшлар ва ҳарбий хизматчиларда жасурлик ҳамда мардлик, фахр ва ифтихор туйғулари ошириш, миллий истиқлол гоёларига содиқ бўлишга хизмат қилади.

Қарор билан Давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларга ҳамда фуқароларга “Маънавий-маърифий ишлар айлочиси” кўкрак нишони таъсис этилиши, Мудофаа вазирлигида Тарбиявий ва мафқуравий

ишлар бош бошқармаси тузилиши, ҳарбий қисмларда ҳарбий психолог, психолог, етакчи социолог, ҳарбий қисм командирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчиси — Маданият маркази бошлиғи лавозимлари жорий этилди.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, Қуроли Кучлар Академияси умумқўшин факультети базасида қўшимча қўмондонлик-тактик тарбиявий ва мафқуравий ишлар мутахассислиги бўйича офицерлар тайёрлаш тизимини жорий этилиши миллий армиямизда маънавий-маърифий ишлар тубдан такомиллаштириши таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори бурчиға садоқатли, фидойи ва мард ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш билан бир қаторда ёш авлоднинг маънавий баркамол инсон сифатида ҳам шакллантиришга хизмат қилади.

SPORT

БОШ СОВРИН ХОРАЗМ ЖАМОАСИДА

Ҳ.ТОШТЕМИРОВ

Пойтахтимизда маҳалла ёшлари ўртасида “Чарм тўп” футбол мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.



Мусобақа Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши,

Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол асоциацияси ҳамда Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Турнирда 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўн тўртта жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди. Финал ўйинида Фаргона ва хоразмлик футболчилар ўзаро беллашди. Воҳа ёшлари 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, бош совринни қўлга киритди. Кучли учликдан ўрин олган жамоалар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.



И.АХАТОВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ташаббуси билан Ёшлар ижод саройида “STREET ART” замонавий санъат ва рақс танлови ташкил этилди.

Ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

мақсадида ташкил этилган мазкур танловда замонавий рақс

ва санъат йўналишига қизиқувчи ёшлар иштирок этди.



— Мен асосан, ранг-тасвир йўналишида ижод қиламан. Бугунги танловда 12 тага яқин иштирокчилар ўртасида рас-сомчилик йўналишида мусобақа бўлмоқда, — дейди Суҳроб Тўйчиев. — Мен танлов учун немис ёзувчиси Гёте-нинг “Фауст” асарига бағишланган суратни чиздим. “STREET ART” суратлар, асосан, кўчаларга, деворларга чизилади. Бугун биз махсус ажратилган баннерларга расмларимизни чиздик.

TASHABBUS

ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ ВА ТАЖРИБА

Самарқанд шаҳрида “Модернизация — янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказишда журналистнинг таъсирчан сўзи ва фаол фуқаролик позициясининг ўрни ва аҳамияти” мавзuida минтақавий конференция бўлиб ўтди.

Журналистлар ижодий уюшмаси, қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Жиззах ва Навоий вилоятларидан келган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда юртимизда соҳага қаратилган эътибор, яратилган имкониятлар ҳақида сўз борди. Журналист кадрлар олдига бурч ва масъулиятни теран хис қилган ҳолда сиқидилан меҳнат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Мутахассислар томонидан журналистикага доир амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, соҳани янада ривожлантириш бўйича белгиланган режалар юзасидан маърузалар қилиниб, ахборот олиш, қайта ишлаш ва уни тарқатиш жараёнлари ҳақида фикр алмашилди. Мунозаралар жараёнида охириги йиллардаги ўзгаришлар, хусусан, “Илҳом” жамоат фонди ва Дўстлар клубининг фаолияти хусусида маълумот берилди. Соҳада учраётган муаммо ва камчиликларни

бартараф этиш борасида фикр-мулоҳаза юритилди, таклифлар ўртага ташланди.

Шундан сўнг Дўстлар клуби томонидан Самарқанд вилоятидаги “Пахтачи” газетасига компьютер жамланмаси топширилди. Фахрий журналистлар, фаол ёш ижодкорлар уюшманинг мақтов ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Яқунда иштирокчилар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Мухбиримиз

КУТИЛМАГАН СОВҒА

Элдор НАВРЎЗОВ



Ёшлар иттифоқининг Дўстлик тумани кенгаши боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари ҳамда китоблар совға қилди. Илмга ташна наврасталарни бундай ташаббус бениҳоя қувонтирди. Улар Иттифоқ



фаолларига ўз миннатдорлигини билдириб, келгусида аъло баҳоларга ўқишга ва юртимиз раванқига муносиб ҳисса қўшишга сўз берди.

QAROR VA IJRO

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Фаргона давлат университетидида
Қатағон қурбонлари хотираси музейи ташкил этилди.

Бу ёруғ ва дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, тинч-осойишта замоннинг қадрига етиш, шукроналик туйғулари ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳиятимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига чорлайди. Зеро, озодлик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбиди мангу яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

мингдан зиёд қатағон қурбонлари аниқланиб, уларнинг 200 нафари тўғрисидаги маълумотлар, суратлар, буюмлар музейга қўйиш учун тайёр ҳолга келтирилди, — дейди “Қатағон қурбонлари” музейи директори С.Сиддиқов. — Бундан ташқари, уларнинг хотирасига бағишланган 65 дан зиёд илмий, адабий, бадиий китоблар тўпланиб, электрон нусхалари тайёрланди. Қатағон қурбонлари бўлган юрдашларимизнинг



масининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тўғрисида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фаргона давлат университетидида очилган маъруз музей ҳам ана шу ишларнинг амалдаги ифодасидир. — Вилоят бўйича 10

ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумот ва ҳужжатларни илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, кинофильмлар яратиш, мактабларда музейнинг филиалларини ташкил этиш борасида ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шу замин, шу юрт тинчлиги учун жонини фидо қилган ватандошларимиз номини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган музей шўро даврида қатағонга учраганларнинг аянчли кунлари, турли воқеалар, турли тақдирлар ҳақида ҳикоя қилади.

Кенг жамоатчилик этирофи таътиганидек, Шавкат Мирзиёевнинг бундай оқилона сиёсати замирида халқимизнинг орзу-умидлари, аввало, фаровон ҳаётга бўлган интилиши мўжассам. Фикримизнинг исботи сифатида Суғд ва Самарқанд ўртасидаги чегаранинг очилишини айтиш мумкин. Саразм ва Жартеппо чегара пунктларининг очилишида бевосита иштирок этиб, икки миллат вакилларининг чексиз хурсандчилиги, бир-бирини нақадар соғингани ва дўстлик ришталари биз учун муҳим эканига амин бўлдим. Ҳам Тожикистон, ҳам юртимиз аҳлининг икки давлат раҳбарларини дуо қилиб, шундай тинчлик ва дўстлик замони учун шукрона келтирганини ўз кўзим билан кўриб, қўлоғим билан эшитдим. Англадим: чинакам етакчи мана шундай бўлади — доимо эз розилигини олиб яшайди. Яна иқрор бўлдимки, малик уш-шуро Абу Абдуллоҳ Рўдакий билиб айтган экан:

Дунёнинг шодлиги
ийгилиса бутун,
Дўстлар дийдоридан
бўлмас устун.

Аслида ҳам тожик ва ўзбек халқининг дўстлиги бир неча минг йиллик тарихга

эга. Бу азалий ришталар асрлар давомида икки миллатнинг маърифатпарварлари томонидан янада мустаҳкамлаб борилди.

Урф-одатларию аънавалари ухшаш тожик ва ўзбек халқининг турли тадбирлари бир-бирисиз утмаган. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий яшаган даврда икки миллат дўстлиги ҳар томонлама ривожланди. Улуғ аждоҳларимизнинг бошлаб берган аънавалари Садриддин Айний, Фафур Фулом, Мирзо Турсунзода, Зулфия, Шерали Лойиқ, Абдулла Орипов, Гулназар Келди, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Ўлмас Жамол каби яна ўнлаб атоқли ижодкорлар томонидан давом эттирилиб, юксак даражада тараннум этилди. Жорий йилда Самарқанд шаҳрининг марказий хибонларидан бирида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилгани мамлакатимизда ҳукм сурган миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг яққол ифодаси бўлди.

Айнан аллома Жомийдан мисол келтирганимиз

AKS-SADO

ДЎСТЛИК САОДАТИ

Баҳолир РАҲМОНОВ,
“Овози Самарқанд” газетаси бош муҳаррири

Инсон орзу-умид билан яшайди. Ҳар қандай орзу-умиднинг асоси эса, тинчлик-тотувликдир. Улар бўлмаган жойда ҳаёт татимайди, бахт-саодат бўлмайди. Тинчлик-тотувлик ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаши ҳам бор гап. Шу ҳаётини ҳақиқатни англаган Президентимиз ташқи сиёсатда, аввало, қўшни давлатлар билан алоқаларни яхшилаш масаласига эътибор қаратади. Бу йўлда муҳим қадамлар ташланди. Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатлари билан ҳамкорликнинг янги босқичга олиб чиқилгани Марказий Осиё тарихидаги унутилмас ва шонаи воқеа саналади.



учун барча шароитлар яратилган. Бу шунчаки баланларвоз гап эмас. Сўзми исботи сифатида баъзи маълумотларга эътиборингизни қаратмоқчиман: ҳозир Самарқанд вилоятидаги 40 дан зиёд умумтаълим мактабиди ўзбек тили билан бирга тожик тилида сабоқ берилмоқда. Йигирмадан ортиқ мактабда эса, таълим фақат тожик тилида олиб борилди. Уқувчилар давлат томонидан зарур дарслик ва ўқув қўлланмалар билан тўлиқ таъминланган. Юртимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларидан ҳисобланган Самарқанд давлат университетидида тожик филологияси факультети мавжуд. Бундан ташқари, олтига бўлимда тожик тили гуруҳлари ташкил қилинган бўлиб, ҳар йили ўнлаб юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқарилоқда.

Вилоят ҳокимлиги муассислигида тожик тилида “Овози Самарқанд” газетаси чоп этилади. Яна бир қатор туман газеталарида тожик тилида ҳам материаллар берилади. Вилоят телерадиокомпанияси ҳамда “Самарқанд-СТВ” телевизион ижодий уюшмаси теле ва радиоканалларида тожик

тилида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилади.

Ана шундай имкониятлар, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарини миннатдорлик билдирган ҳолда юртимизда ҳукм сураётган миллатларо дўстлик, тотувлик ва бағрикенгликни кўз қорачиғимиздек асрамоғимиз зарур.

Тожик биродарларимиз билан маънавий меросимиз ҳам муштарак. Ана шу аънаваларга содиқ қолган ҳолда яқинда “Саодати дўсти” китобини нашрдан чиқардик. Унда мустақилликдан кейинги даврда ўзбек шоирлари томонидан яратилган шеърларнинг тожикча таржималари жамланган. Уша шеърларнинг аксарияти турли йилларда “Овози Самарқанд” газетасида ҳам чоп этилган.

Ўзбек ва тожик икки тилида сўзлашувчи бир халқ, дейишга беҳиз эмас. Халқларимиз азалдан бир дарёдан сув ичган, бир-бирининг маданияти, аънаваларини бойитган. Қадимдан ҳаётнинг барча иссиғу совуғини бирга кечиб келаётган жондош, қондош, ҳамсоя, ҳаммаслаб, икки тилда сўзлашувчи бир халқнинг ўзаро дўстлиги боқий бўлсин.

HASHAR — ELGA YARASHAR

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан 18-19 август кунлари республикамизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган эзгу ҳикматни дилига жо айлаган илгир-илгир тенгдошларимиз белни маҳкам болаганча ҳашарда уюшқоқлик билан қатнашди.

ЮРТ ОБОДЛИГИГА

МУНОСИБ ҲИССА

Нукус шаҳрида йигит-қизлар Ёшлар маркази биноси атрофини обод этиш ташаббуси билан чиқди.

“#ҳашар_2018” деб номланган ҳамда виртуал олам орқали оммалаштирилган махсус акция Қорақалпоғистон Республикасининг қолган ҳудудларига ҳам тарқалиб, кўплаб ташкилот ва идоралар томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳашарчи йигит-қизлар саъй-ҳаракати билан маҳалла ва гузарлар, зиёратгоҳлар, маъмурий биноларга туташ ҳудудлар кўркам ҳолга келтирилди.

Сардорлар кенгагининг фаол аъзолари “Экопатруль” лойиҳасида қатнашиб, кўча-кўйда чиқинди ташлаб кетаётган йўловчиларни атроф-муҳитни ифлослантриш қандай салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантриди.

Жиззах ёшлари ҳам “Экопатруль” ҳаракатига қўшилиб, марказий кўчаларни чиқиндилардан тозаллади.



Шунингдек, боғ ва хибонлар, қабристонлар ҳамда муқаддас қадамжоларни ободонлаштиришда иштирок этди.

Қашқадарлик тенгдошларимиз эрта тонгдан умумхалқ ҳашарига отланди. “Ҳашар — ёшларга ярашар” лойиҳаси доирасида ҳамжиҳатлик ила юрт

ободлигига ҳисса қўшилди. Самарқанд вилояти сардорлар кенгаши аъзолари бош-қош бўлган ҳашарда ҳудуддаги ёшлар фаол қатнашди. Улар маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш масканларини саранжом-сарништа қилишга муносиб ҳиссасини қўшди.

Мухбирларимиз

BOLANING BEGONASI BO'LMAYDI

ЭНДИ ЙЎЛЛАРИ ПОРЛОҚ

Лайло ҲАЙИТОВА

Мамлакатимизда ёшлар тарбиясига ҳамisha устувор вазифа сифатида қаралган. Билимдон, ташаббускор тенгдошларимиз талайгина. Аммо илмда оқсоқ, ишда нўноқ, ҳулиқ ёмон йигит-қизлар ҳам, афсуски, учраб туради. Улар эътибордан четла эмас.

Ички ишлар органлари профилактик рўйхатида турувчи ўғил-қизларни туғри йўлга солиш борасида тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, асқатмоқда.

— Назоратдаги болаларнинг ҳатто оддий ташаббусларини ҳам қўллаб туриш керак, — дейди Ёшлар иттифоқининг Бухоро вилояти кенгаши раиси Зариф Комилов. — Шунда улар ўзларини бошқаларга кераки эканини ҳис қилади. Ножура ишлардан тийилади. Ҳозир вилоятимиз бўйича 347 нафар вояга етмаган шахс профилактик ҳисобга кўйилган. 330 нафари Ромитан туманидаги “Оромитан” ҳамда Вобкент туманидаги “Порлоқ келажак” оромгоҳларига жалб этилди. Улар орасида диний экстремистик оқимлар таъсирига тушган, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам бор.

Жорий йилги мавсумда тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этишда ҳар сафарги аънавалардан андаза олинмади. Жумладан, туғри келган болани ҳам оромгоҳга тиқштириб, рақам ортидан қувилгани йўқ. Оромгоҳга келган болаларни кўрдик: бири тенгқурлари билан ёқалашган, бири



дарсини сабабсиз қолдирган, яна кимдир оиласидан беғиз, майда безорилик содир этган. Шундай бўлса-да, уларнинг келажакдаги мақсадлари улкан. Рассом, муҳандис, қурувчи, банк ходими бўлишни орзу қилади.

— Машина йўлини кесиб ўтаётганимда ҳайдовчи мени ҳақоратлади. Алам қилганидан жаҳл билан тош иритиб, светофорни синдириб юборибман, — дейди Ёшлар иттифоқи кўмағида оромгоҳда ўн кун дам олиб, ҳа-толарини тушундим. Айниқса, “Оромгоҳ гузаали” га айланганим мен учун катта қувонч бўлди. Бундан кейин дарсларни сабабсиз қолдирмайман.

ган бўлиши. Оромгоҳда эса ҳеч ким бир-бирини беғона кўз билан қарамайди. Шахсан мен билан психолог опа шуғулланди. Бундан қарангки, расм чизнишга иқтидорим бор экан! “Юртим кўрки” мавзусидаги танловда ғолиб бўлдим. Келажакда ижодий салоҳиятимни ривожлантиришмоқчиман. Энди безорилик қилмайман.

Жавоҳир сингари Самойдин Нарзиёв, Асилбек Норов, Дилноза Соҳилова каби кўплаб болалар оромгоҳда ижобий қир-

BUGUNNING GAPI



Nasiba ABDULLAYEVA

— Qo'ylu, Qo'ylu, ikkita joy, qani, tezroq chiqing, yuramiz!
Ertalabdan kechgacha bekatda turadigan Nizom akening jag'i tinmaydi. Yo'lovchi chaqirib marshrutli taksi no'ldiradi, birisi ketgach, ikkinchisi keladi. Odam qorasi ko'rinsa bas, darhol peshvoz chiqadi:

— Qo'yulgamasmisiz, chiqing, hozir ketamiz!
Nizom akening gulduragan ovozi uch chaqirimdan eshitiladi. Bitta gapni qaytaraverib, tomoqlari qaqrab ketadi.
Saratoning issig'ida boshidan kun o'tadi, qahratonning sovug'i esa, oyoqlarini qaqshatadi. Yigirma besh

yillik hayoti shu alfozda o'tib ketibdi.
Ancha qarigani sezildi. Darmoni qurib, beli zirqiraydi. O'g'li er yetdi, qizi qatorga kirdi. O'ylab qarasa, na qo'ni-qo'shniga, na mahalla-ko'yg'a aralashibdi. Saharda xotini damlagan choyni apil-tapil ichadi-yu, oyoqni qo'lga oladi. Hayotdagi hovli ota-

Jarchi

onasining hayotligida qanday qurilgan bo'lsa, zig'ircha o'zgarishsiz turibdi. O'sha davrlardan beri hatto deraza romlariga cho'tka tegmagan. Nuragan devorlar, bitmay qolgan molxona yurakni siqadi. Uyiga mehmonday kelib-ketaveradi. Odamzod har narsaga ko'nikar ekan, sho'rlik xotini taqdiriga tan bergan. Avvallari: "Dadasi, odamlarga o'xshab uy-joyga qaraylik, hademay, bolalarni uylab-chiqaramiz", — deb yozg'irib yurdi. "Chillaki chillakini ko'rib, chumak uradi", deganlari rost ekan, o'g'li ham otadan andaza oldi. Ishga boradi-keladi. Ota-bola tuzuk-quruq gaplashmaydi, bunga fursat ham yo'q.
Qiz bola mehribon bo'lar ekan. Kechqurun Nizomjon kelganida qizi oyoqlariga suv quyadi, yorilgan tovonlariga malham sutadi. Bugun ham allamahalda

uyga qaytdi. Qizi dasturxon yozib, non, ovqat qo'ydi, mehr bilan choy uzatdi.
— Charchamadingizmi, dada?
— Ha, qizim, o'qishlaring yaxshimi?
— Tuzuk, dada, ancha horib qoldingiz, endi bekatga bormang.
— Bekatga bormasam kunimiz qanday o'tadi?
— Tunov kuni kursdoshim Tal'at: "Jarchining qizi", — deb mazax qildi. Men bundan zarracha uyalmadim.
Nizom akening boshiga gurzi bilan ilgandek bo'ldi.
— Men o'g'irlik yoki jinoyat qilayotganim yo'q! — dedi jig'ibiyron bo'lib. — Haydovchilarga yordam beraman. Shahrimizning keldi-ketdisi ko'p. Qancha odam manziliga borishni bilmay qiyinaladi, ularga yo'l ko'rsataman.
— Dadasi, shuncha yildan beri haydovchilikni o'rganmadingiz-da, — gappa aralashdi xotini.
— Bu dardingni soch-soqolim oqarganda aytasanmi?
— O'zim ham tepsa-tebranmas odamman, — o'yladi Nizom aka. — Topgan kasbimdan farzandlarim xijolat tortishi yetti uxlab tushimga kiribdimi?
— Dada, hechqisi yo'q, — davom etdi qizi, — kollejimiz bitiruvchilariga bankdan imtiyozli

kreditlar berilarkan. Mening biznes rejam tasdiqlandi. Uyda mix ishlab chiqarish sexi ochishni mo'ljalladim. Yurtimizda qurilish ishlari avjida. Hammasiga mix kerak. Uskunalar sotib olamiz. Xomashyo serob. Keyinchalik g'isht, kafel chiqarishni yo'lga qo'yamiz. Siz, oyim, akam hammamiz harakat qilamiz. Dada, uyda tadbirkorlik qilganlarga mehnat daftarchasi yuritilarkan. Nafaqaga chiqishingizga oz qoldi, ish staji oymiga ham, sizga ham zarur.
— Hamma rejalarining yaxshi, qizim. Lekin davlatdan kredit olib, kasodga uchrab qolmaymizmi?
— Aslo. Xudo xohlasa, uy-joylarimizni o'bd qilamiz, akamni uylantiramiz. Ustozimiz doimo: "Tavakkal qilishni bilmaydigan odamdan tadbirkor chiqmaydi, chumchuqdan qo'rqan tariq ekmaydi", — deydi. Dadajon, meni aytdi deysiz, ishlarimiz yurishib ketadi.
Nizom akening qiziga mehri bo'lakcha edi, hozirgi shijoatidan esa, unga ehtiromi yanada ortdi. Ertalab turib shunday sexlar ochgan tadbirkorlar faoliyatini o'rganishni diliga tugdi.

Betakror mahorat va san'at ko'rgazmasi



O'zbekiston Badiiy akademiyasi markaziy ko'rgazmalar zalida Vatanimiz mustaqilligining 27 yilligiga bag'ishlangan "Aziz va yagonamsan, jonajon O'zbekistonim!" shiori ostida ko'rgazma ochildi.

Unda tasviriy san'at ustalarining ijodiy ishlari bilan birga yosh rassomlar ham o'z asarlari bilan qatnashmoqda. So'nggi yillarda haykaltaroshlik keng ommalashgan san'at turiga aylandi. Ayniqsa, yurtimiz shaharsozligida tarix va madaniyat arboblari

galereyasi tashkil topdi. Dastgohli haykaltaroshlik ham o'ziga xos rivojlanish yo'lidand bormoqda. Ko'rgazmada san'at ixlosmandlari o'ziga xos uslubdagi dekorativ plastik asarlarni ham ko'rishi mumkin. Mazkur kompozitsiyalar kelgusida yurtimizdagi

istirohat bog'larini bezatishga xizmat qiladi.

Bugungi kunda kulolchilikning Farg'ona, Buxoro, Samarqand, Xorazm va Toshkent maktablari mavjud. Badiiy bezash usullari, ranglari va shakli bilan bir-birini takrorlamaydigan mazkur maktablarda qadimiy an'analari zamonaviy usullar monandligida davom etmoqda.

Ko'rgazma doirasida Rish-ton kulollari sulolasi vakili Alisher Nazirovning ishlari namoyish etilmoqda.

Mahoratli usta qadimiy uslublarga tayanib, yangi ijodiy yondashuvlar bilan betakror bezak va shakllar asosida loydan go'zal san'at asarlarini yaratgan.

Ko'rgazma 2-sentabrda qadar davom etadi.

B.MELIQULOVA,
O'ZA muxbiri

HAYOT SABOG'I

QARZ

Gulmira NUSRATOVA

Birinchi maoshini olgan Suhrob o'zida yo'q xursand edi. Bu pullarga nimalar olishini xayolida rejalashtirib kelayotgandi. Yo'lda do'sti Akrom uchrab qoldi. Unga maqtangisi keldi.

— Do'stim, bormisan? Eslaging ham kelmaydi. Bugun maosh oldim, rejalar bisyor. Uyga o'tarsan-ya?
— Albatta, og'ayni, — dedi do'sti quvonib.

— O'zim ham senikiga bormoqchi bo'lib turgandim. Ko'rganim yaxshi bo'ldi. U biroq o'ylanib turib davom etdi: — Onamning anchadan

buyon tobi yo'q, ahvoli og'ir. Biroq qarz berib tursang, uch-to'rt kunda qaytarardim.

Suhrob darrov bahona topib, pul berolmasligini aytdi.

Uyga qaytgach, xursandchiligini birinchi bo'lib volidasi bilan bo'lishdi.

— Ona, bugun maosh oldim. Birinchi maoshim!..

Bu xushxabardan quvongan Ozoda aya sekin gap boshladi:

— Bolam, yaqinda kasal bo'lib qolganingda o'rtog'ingning onasidan qarz so'rab chiqqandim. Shungayam uch oy bo'ldi. Xosiyatgina tushmagur farishta ayol-da. So'raganim yo'q. Shu qarzimizni uzib, xolangga rahmat aytib chiqaqol, o'g'lim. Onang o'rgilsin, sendan!

BILASIZMI?

Xodim ishga tiklash, ish haqini olish va mehnat munosabatlariga oid boshqa talablar bilan sudga murojaat qilganida davlat boji to'lashdan ozod etiladi.



Bolaning tug'ilishini qayd etish majburiy sanaladi. Mazkur amaliyot bolalar tug'ilgan joydagi yoki ota-onadan birining doimiy yashash joyidagi fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organida bir oy ichida bajarilishi lozim.

O'zbekiston fuqarosi mamlakat hududidan tashqarida yashab turgan eri (xotini) bilan tuzilgan nikohdan, mazkur shaxs qaysi davlat fuqarosi ekanidan qat'i nazar, O'zbekiston sudida ajralishga haqlidir.



Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

HIKMAT

Ichida mag'zi yo'q yong'oq chaqilganda uyatga qoladi.

Sa'diy Sheroziy

SABOQ


Ijodkor Abdulla Rustamovning yaqinda chop etilgan "Hikmatli dunyo" kitobida ko'plab ibratli hikoyalar jamlangan. Ular yosh avlod tarbiyasiga xizmat qiladi. Shu maqsadda ayrimlarini siz, aziz mushariylarga ham ilinshni niyat qildik.

QARG'A BILAN QALDIRG'OCHNING NIYATI

Birovning uyiga o't tushibdi. Yong'in tepasidan qarg'a uchib o'tib borayotib: "Ey, manavi falonchining uyi-ku. Yaramas, uyi yonib kul bo'lsin!" — deb changalidagi cho'pni olovning ustiga tashlabdi. Uning ortidan qaldirg'och uchib o'tibdi va: "Voy, bu falonchining uyi-ku. O'zi yaxshi odam, bola-chaqasi ham ko'p edi, nima qilsam ekan?" — deb og'zidan bir tomchi suv oqizibdi.
Xulosa: qarg'a-niing tashlab ketgan cho'pidan alanga loyilab ketgani yo'q. Qaldirg'ochning bir tomchi suvidan yong'in o'chgan yo'q. Ammo ana-yaramas qarg'a o'zining qanchalik qabih niyatli ekani, qaldirg'och esa, insonga faqat yaxshilik sog'inshini bildirdi. Hammasi niyatga bog'liq. Bolani tarbiyalashda ham ana shu niyatga, ya'ni aqliy tarbiyaga alohida e'tibor berish kerak. Aql bilan tarbiya bo'linmasligi lozim. Ular havo bilan suvdan zarur.

Gazetaning navbatdagi soni 25-avgust kuni chop etiladi.

ASABI BO'SH TOMOSHABIN QANDAY QARAR? REKLAMA DEGANLARI KONI ZARAR!..



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

<p>MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan. Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich</p>	<p>TAHRIR HAY'ATI Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").</p>	<p>Dizayner Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich</p> <p>Navbatchi Javlon Vafoyev</p>	<p>«YOSHLAR OVOZI» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.</p>	<p>Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz</p> <p>"Sharq" nashriyot-matbas aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi, A-2 formalda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.</p> <p>Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>Buyurtma G-836 Adadi — 12073</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 23.10 O'ZA yakuni — 22.32</p>
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------